ИЛОҚНИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ
(Суюрлитепа ёдгорлиги мисолида)

© 2023. Асқаров Ахмадали[1], Исабеков Беҳзод[1], Исмоилов Убайдулла[2]

[1]Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази

[2]Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти

Калит сўзлар: Оҳангарон, Илоқ, Тункат, суйри, Қорабулоқ, вағнзе, наус, симбиоз, Узунсой, Овжазсой, ярим ертўла.

Мазкур мақола Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Суюрлитепа ёдгорлигида олиб борилган янги археологик тадқиқотлар натижалари талқинига бағишланган. Хусусан, муаллифлар жамоаси ёдгорлик ўрнидаги тарихий шаҳар Илоқнинг муҳим ва мустаҳкам мудофааланган шаҳарлардан бири эканлигига эътибор қаратадилар. Шу билан бирга мақолада “Суюрлитепа” атамасининг келиб чиқиши, шаҳарнинг ички ва ташқи йўллари, суғориш тизими ҳақида ҳам турли хил янги қарашлар илгари сурилган. Шунингдек, ушбу шаҳар харобаси қадимий Илоқнинг қайси бир шаҳрига тўғри келиши масаласи ёзма ва моддий манбалар асосида таҳлил қилинди. Ёдгорликдан топилган археологик топилмалар бошқа ҳудудлар билан қиёсий солиштирилиб, ҳудуд аҳолисининг бошқа шаҳарлар билан алоқалари ёритиб берилган. Топилган архитекура ва моддий ашёлар ривожланган ўрта асрларда Илоқ воҳаси шаҳарларининг топографияси, шаҳар тузилиши, мудофаа иншоатлари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданий ва маиший турмуш тарзи хусусидаги кўплаб янги жиҳатларни очиб берди. Шаҳар ҳаёти ривожланишида боғдорчилик, деҳқончилик, кончилик ва савдо соҳаларининг ўрни археологик топилмалар воситасида ёритиб берилган. Бундан ташқари, шаҳарнинг тарихий топографияси,унинг пайдо бўлиши, ривожланиши, таназзулга юз тутиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

ИСТОРИЯ ДРЕВНИХ ГОРОДОВ ИЛАКА
(*на примере памятника Суюрлитепа*)

© 2023. Аскаров Ахмадали[1], Исабеков Бехзод[1], Исмаилов Убайдулла[2]

[1]Национальный центр археологии Академии наук Республики Узбекистан

[2]Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

Ключевые слова: Ахангаран, Илак, Тункат, Суйри, Карабулак, вагнзе, наус, симбиоз, Узунсай, Овжазсай, полуземлянка.

Данная статья посвящена интерпретации результатов новых археологических исследований, проведенных на памятнике Суюрлитепа в Ахангаранском районе Ташкентской области. В частности, коллектив авторов обращает внимание на то, что исторический город на месте памятника был одним из важнейших, наиболее крепко защищенных приграничных городов Илака. Появление термина «Суюрлитепа» способствовало различным новым взглядам на его появление, внутренние дороги, ирригационную систему. Также делается попытка на основании письменных и материальных источников доказать, что руины этого города являются одним из центральных городов Илака. Археологические находки, обнаруженные на памятнике, сопоставлены с другими памятниками, чтобы пролить свет на связи жителей данного памятника с другими городами. Обнаруженные архитектурные и материальные объекты раскрыли множество новых сторон топографии, городского устройства, оборонительных сооружений, социально-экономического состояния, культурного и бытового уклада городов долины Илака в эпоху развитого Средневековья. Развитие городской жизни, благодаря роли садоводства, сельского хозяйства, добычи полезных ископаемых и, следовательно, ремесел и торговли, специализирующихся в самых разнообразных областях, было определено по археологическим находкам. Кроме того, особое внимание уделяется вопросам исторической топографии города, его возникновения, развития, упадка.


Оҳангарон ҳавзаси ўзига хос табиати, сув манбалари, географик қулай шароити туфайли азалдан инсонлар макон тутган ўлкалардан бири бўлган. Шунинг учун уларнинг излари ёдгорлик сифатида ушбу ҳудудда кўплаб сақланган. Уларни тадқиқ этиш орқали олинган билимларни оммага етказиш бугунги кун қадимшунослари олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган 2022 йилда ЎзР ФА Миллий археология маркази, Тарих институти ходимларидан иборат гуруҳ томонидан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Санам қишлоғидан 2 км шарқда, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Олмалиқ-Ангрен автомобил йўли ёқасида жойлашган Суюрлитепа ёдгорлигида (координаталари: 40.896945°, 69.911223°) стационар археологик дала тадқиқот ишлари ўтказилди.

Тарихий манбаларда Оҳангарон дарёси ва дарё ҳавзасидаги ҳудудлар Илоқ, Имлоқ деган номлар билан тилга олинган (Ҳудуд ул-олам 2008: 16; Истахрий 2011: 117; Ибн Хавқал 2011: 72–73; Ибн Хордадбех 1986: 64). X аср ёзма манбаларида Илоқ давлатининг пойтахт шаҳри Тункат шаҳри эканлиги қайд этилган. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида Машковцев берган маълумотларга асосланиб (Буряков 1975: 110–111), археолог М.Е. Массон Оҳангарон ҳудудларини тадқиқ этади ва Тункат шаҳрини Обиз қишлоғи ёнидаги шаҳар харобаларининг ўрнида деган фикрни илгари суради (Массон 1953: 73). Шундан сўнг XX аср 60–70-йилларида Тошкент воҳаси ҳудудларини анча кенг ўрганган академик Ю. Ф. Буряков ҳам М. Е. Массон маълумотларини тасдиқлайди. У Тункат ҳақида “майдони 5 гектар, бешбурчак шаклдаги арк шаҳарнинг шимолий қисмида қад кўтарган. Аркнинг шимолий қисмидаги мустаҳкам деворлар Оҳангарон қирғоқларидаги тепаликлар шаклини такрорлайди. Аркда иккита катта дарвоза бўлган. Биттасидан жанубга, работга чиқилган, иккинчисидан эса шарққа туташиб кетган ва умумий деворга эга бўлган шаҳристонга чиқилган. Шаҳристоннинг майдони 112,5 гектар. Шимолий қисм, нисбатан мустаҳкам бўлиб, унинг деворлари арк деворларини давом эттиради, – деган фикрларни билдириб ўтади (Тошкент воҳаси... 2008: 30).

Сўнгги йилларда Илоқнинг пойтахт шаҳри Суюрлитепа ёдгорлиги ўрнида эканлиги ҳақидаги янги хулосалар ўртага ташланмоқда. Бу фикр илк бор С. Аширов томонидан тилга олинади (Аширов 2007: 5; Аширов 2013: 355–362). Охирги вақтларда ўз шогирдлари билан Оҳангарон ҳудудларида археологик тадқиқотлар олиб бораётган академик Аҳмадали Асқаров Илоқнинг пойтахти ўрнини Оҳангарон тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Суюрлитепа ёдгорлиги билан белгилашади (Аскаров, Исабеков 2013: 345–353). Мунира Хатамова, Ғайбулла Бобоёров каби тарихчи олимлар ҳам ўз тадқиқотларида Илоқнинг пойтахти масаласига муносабатини билдириб ўтишган. Хусусан, М. Хатамова ўрта аср ёзма манбаларида Тункат қояли тоғ устида жойлашган, деган маълумот асосида унинг харобалари Суюрлитепа ёдгорлиги ўрнида бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқин келиши ҳақида айтиб ўтади (Хатамова 2017: 173). Ғайбулла Бобоёров эса Хитой манбаларида тилга олинган Дунцзе ёки Тунцзе Илоқнинг марказий шаҳри Тункатнинг ўзгинасидир деган (Бабаяров 2010: 98). Ўлка тарихи билан шуғулланган маҳаллий тарихчи, филология фанлари доктори, профессор Исомиддин Ёрматов ҳам бу масалада ўз фикрини билдириб, араб тарихчиси ибн Ҳавқалнинг асарида Банокат билан Тункат, Бинкат билан Тункат ёки Абрлиғ билан Тункат орасидаги фарсах ҳисобидаги масофа Обизга емас, Суйритепага тўғри келиши ҳақида ёзади (Ёрматов 2016: 112).

Ўрта асрларда Илоқ Чочнинг узоқ вақт ажралмас бир қисми ҳисобланган. Манбаларда ҳам иккиси ёнма-ён тилга олинади. Илоқ маълум муддат давомида Чочдан мустақил мулклик сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

X аср ёзма манбалари Шош ва Илоқ 50 га яқин шаҳарлардан иборат эканлиги ҳақида маълумот беради (Ибн Хавқал 2011: 73). Улардан 17 таси Илоқ шаҳарлари, қолганлари эса Шош шаҳарлари, деб тилга олинган. Илоқ мулклигининг ҳудудида бугунги кунда Тошкент



1-расм. Оҳангарон ҳавзасида жойлашган археологик ёдгорликлар харитаси (Ю.Ф. Буряков бўйича, У. Исмоилов таҳрири асосида)
Рис. 1. Карта археологических памятников, расположенных в бассейне Ахангарана (по Ю.Ф. Бурякову, под редакцией У. Исмаилова)
Figure 1. Map of archaeological sites located in the Akhangaran basin (by Yu.F. Buryakov, edited by U. Ismailov)

вилоятининг Оҳангарон (“темирчилар шаҳри”), Ўрта Чирчиқ, Бўка, Ангрен, Нурафшон, Пискент, Олмалиқ каби туман ва шаҳарлари жойлашган (1-расм)

Ёзма манбаларда Хитойдан бошланган Буюк ипак йўлининг бир шаҳардан иккинчи шаҳарга олиб борувчи масофа оралиғида тоғлар жойлашган бўлса, у ҳолда савдо карвонлари қайси довон орқали ўтиши, агар ораликда чўл ёки даштли ерлар бўлса, карвон йўли бўйлаб сардобалар ёки карвонсаройлар барпо этилганлиги тўғрисида маълумотлар бериб ўтилади. Қадимги Фарғона водийсидан Чоч водийсига олиб ўтган йўл Кандир довони орқали ўтгани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Хусусан, Темурий шаҳзодалардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам амакисининг ёнига, Тошкентга келганида ёки Фарғона водийсига қайтишда айнан Кандир довони орқали ўтганлигини ўз асарида ёзиб қолдирган (Бобур 2008: 47). Академик А. Асқаров бошлиқ археологик гуруҳнинг бу ҳудудда олиб борган изланишлари давомида маълум бўлдики, Туркистон тоғ тизмасида жойлашган Кандир довоннинг эгарсимон нуқтасидан Оҳангарон водийси томон Кандирсой сув йўли ўнг соҳили бўйлаб қадимда Кандир довон номи остида савдо карвон йўли ўтган.

Бу йўл Оҳангарон дарёси чап соҳилига қадар тақалиб, ғарбга томон бурилади, дарё ёқалаб Қорабулоққа етганда, унинг сув захираси асосида қирлик устида йирик шаҳар пайдо бўлади. Бу шаҳар қадимда қайси бир ном билан аталгани ҳақида аниқ хулоса айтиш мушкул. Лекин ҳозирда бу шаҳар харобалари Суюрлитепа, Суйритепа, Суюртепа деган номлар билан аталади. Ушбу ном бу ердаги яқин 100 гектар майдонни егаллаган тепаликларга нисбатан умумий қўлланилади. Суйри сўзи “баланд”, “тик”, “юқори” “воронкасимон”, “конуссимон”, “учкур”, деган маъноларни англатади (Массон 1953: 4). Ёдгорлик майдонининг шимоли-ғарбий бурчаги унинг энг баланд нуқталаридан бири бўлиб, у чамаси 20 метр қалинликда дарё шағал-

лари аралаш соз тупроқ қатламлари устида жойлашган. Олмаликдан Ангрэнга томон ўтувчи йўловчилар ана шу баланд тепаликни анча узоқ масофалардан кўришлари мумкин. Ёдгорликка халқ томонидан “Суйри тепа” яъни баланд, конуссимон тепалик деган номнинг берилиши айнан шу шу қисм билан боғлиқ. Объект номларининг келиб чиқиши ҳақида яна бир қанча версиялар бор. Ёдгорлик устида доим аҳолининг сигирлари ўтлаб юради. Қурамалар сигирни шевада “сийир” дейишади. “Сигирлитепа” сўзи шевада “Сийирлитепа” дейилиб, кейинчалик, “Суюрлитепа” га ўзгарган бўлиши мумкин. Яна бир фикрга кўра, қурамалар шевасида “сидириш”, “шилиш”, “тозалаш” сўзлари ўрнига “сийириш” сўзини қўллашади. Қор-ёмғир каби табиат ҳодисалари таъсирида тепаликнинг тик қисми пастга сидирилиб кетган. Шундан келиб чиқиб, аҳоли ёдгорликни “сийирилган тепа” деб атаган бўлиши ва кейинчалик “Суюрлитепа” га ўзгариб кетганлиги еҳтимоли ҳам мавжуд.

Илоқ шаҳарларидан бир қанчасининг тарихий ўрни масаласи аниқ ўз ечимини топмаган. Шу хусусда ўтган вақт давомида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди, лекин улар бу муаммони ечими учун етарли эмас (Алимов 2020: 8–10). Шу хусусда бир қатор далилларни кўриб чиқамиз.

Академик Аҳмадали Асқаров бошчилигида 2012–2020-йилларда ушбу шаҳар харобаларида қазишма ишлари амалга оширилган (Исабеков 2022: 97). Хусусан, 2012 йилда ёдгорликнинг шимоли-ғарбий чеккасидаги энг баланд тепаликда қазишма ишлари олиб борилган. У ердан аниқланган қалин кул қатламлари, иншоот қолдиқлари ва бошқа далилларга асосланиб, ушбу тепалик шаҳарнинг диний маркази ҳисобланган ибодатхона ўрни эканлиги ҳақидаги хулосалар берилган (Исабеков 2022: 98).

2020 йил ёдгорликнинг арк (ҳукмдор қароргоҳи), деб тахмин қилинган қисмининг шимоли-ғарбий бурчагидан 15Х20 метр ўлчамдаги ҳудудда қазишма ишлари олиб борилди. Қазишмалар натижасида бу жой аркнинг шимоли-ғарбий қисмидаги миноралардан бири эканлиги исботланди (Асқаров ва б. 2021: 15). Ёдгорликнинг ёшини аниқлаш мақсадида узунлиги 50 м, ени 5 метр бўлган траншея қазиб тушилган бўлиб, унинг қуйи қатламлари милодий IV асрга оид, энг юқори қатламлари эса XII асрга оид, деган хулосага келинган.

Санаб ўтилганлардан олдин бундай кенг кўламда археологик қазишмалар амалга оширилмаган. Тошкент воҳасини археологик жиҳатдан ўрганиш ишига энг кўп ҳисса қўшган археолог, академик Ю. Ф. Буряков асарларида ҳам Суюрлитепа ўрта аср шаҳар ёдгорликлари қаторида санаб ўтиб кетилган, холос (Буряков и др. 1973: 90; Буряков 1975: 114–115). Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳри ва вилоятининг тарихий-археологик харитаси ва туристик зиёратгоҳлари каталог-албомларида ҳам ушбу ёдгорлик ҳақида тўлиқ бўлмаган чалкаш маълумотлар берилган (Тошкент атрофлари... 2012: 48). Ёдгорликнинг номи ҳам турли адабиётларда турлича Мунчоқтепа (Буряков 1982: 35), Савилтепа (Буряков 1982: 80), Суйритепа, Суяртепа, Суюртепа (Массон 1953: 80) ёзилган. Бу номлар, тахминимизча, сўнгги ўрта асрлар ёки янги давр бошларида пайдо бўлган.

Таъкидлаш лозимки, Тошкент воҳасидан топилган шаҳар типидаги ёдгорликларининг умумий майдони асосан ўртача 10-20 гектарни ташкил этади.

Суюрлитепа ёдгорлигининг умумий майдони тахминан 100 гектардан ошиқ бўлиб, ҳудудининг катталиги жиҳатидан Тошкент воҳасининг Қанқа (Харашкет, 200 га), Тункат (180 га), Банокат (Шоҳрухия) шаҳарларидан кейинги тўртинчи ёдгорликдир. Экспедициянинг олдига қўйган асосий вазифалари ёдгорликнинг тарихий топографиясини аниқлаш, шаҳарнинг вағнзе (диний ҳокимият) мулки, деб талқин қилинган шимолий-ғарбий қисмидаги ҳудудни ўрганиш, шаҳарнинг ички ва ташқи (савдо) йўлларини ўрганиш ва шаҳар топографиясидаги ўрнини аниқлаш, шаҳар теграсидаги объектларни аниқлаш (рабод ва қабристон) бўлди. Одатда археология фанида шаҳар ҳақида сўз юритилганда асосан учта омил эътиборга оли-



2-расм. 2022-2023 йиллар Суюрлитепада очилган қазишма майдонининг дрон ёрдамида олинган сурати (У. Исмоилов бўйича)
Рис. 2. 2022-2023 гг. фотография раскопок в Суюрлитепе, сделанная с помощью дрона (по У. Исмаилову)
Figure 2. Drone photo of the excavation site opened in Suyurlitepa in 2022-2023 (according to U. Ismailov)

нади. Биринчиси, арк (арки аъло, кўхандиз) – шаҳарнинг ҳукмдор турган марказий қисми, иккинчиси, арк атрофини ўраб олган асосий аҳоли турар-жойлари – шаҳристон, учинчиси шаҳарнинг ташқи қисми – работ. Биз ўрганаётган Суюрлитепа ёдгорлигида қадимги ва ўрта аср шаҳарларига хос бўлган мана шу учта бош омил жой рельефида яққол намоён бўлади.

2022 йилги тадқиқотлар вағнзе мулкининг жануби-шарқий томонидаги нисбатан баландроқ тепалик (минора, бурж, деб тахмин қилинган)ни 10 х 10 м ўлчамда қазиб очишдан бошланди. Келгусида қазишма майдони топилган хоналарга мос равишда тўрт томонга қараб кенгайтириб борилди ва сўнгра майдон 23 х 23 метргача етказилди.

Қазишмалар давомида жами 4 та асосий хона ва 8 та ёрдамчи хўжалик хоналари очиб ўрганилди. биринчи ва учинчи хоналарга шарқ томондан кирилган. иккинчи ва тўртинчи хоналарга эса ғарб томондан кирилган. Асосий хоналар деворларининг қалинлиги 3,5 метрни ташкил қилади. Деворлар 1,30 х 1 х 1 метр ўлчамдаги пахса блоклари ва хом ғиштлардан комбинатция қилиб кўтарилган. Ёрдамчи хўжалик хоналари деворининг қалинлиги эса 50 см ни ташкил қилади (2-расм).

Ушбу майдонда очилган бино ғарб томондаги тепаликлар билан катта йўлак орқали туташиб кетган. Ҳамма тепаликлар бирлашиб ўртадаги кенг, текис майдонни ўраб туради (3-расм).

Бинони қуришда пахса ва хом ғиштлардан фойдаланилган. Хом ғиштларнинг ўлчамлари 22,5 х 11 х 35 ва 51–52 х 24–25 х 9–12 см ни ташкил этади. Каттароқ ўлчамдаги ғиштлар қадимий Қанқа шаҳрининг арк қисмида, илк ўрта асрларга оид қатламларидан (Шишкина



3-расм. Суюрлитепада олиб борилган археологик қазишма нуқталарининг жойлашуви (У. Исмоилов)
Рис. 3. Расположение точек археологических раскопок, проведенных в Суюрлитепе (У. Исмаилов)
Figure 3. The location of the points of archaeological excavations conducted in Suyurlitepe (U. Ismailov)

1979: 65; Древний и средневековый город… 1990: 128), Панжикент шаҳри ҳудудидан ҳам топилган (Исаков 1977: 37). Бундай ғиштлардан фойдаланиб иншоотлар қуриш илк ўрта асрларда кенг тарқалган (Хмельницкий 2000: 122). Кўринадики, ушбу иншоот илк ўрта асрларда барпо этилган. Буни қазишма майдонидан топилган турк хоқонлиги даврига оид Чоч тангаси ҳам исботлайди. Унинг аверс қисми анча ёмон аҳволга келиб қолганлиги туфайли, ундаги белги ва ёзувларни аниқлаш мушкул, лекин реверс томонида Чоч ҳукмдорларининг анъанавий айрим тамғаси ҳам суғд ёзувидаги сўзлар аниқ билиниб туради (4-расм).

Бино аркали қилиб қурилган бўлиб, унинг излари қазишма майдони кесмасида ўз аксини топди. Аркали қилиб иншоот кўтариш ҳам илк ўрта аср қурилиш анъаналарига хос бўлиб, бундай анъана Суюрлитепадан ташқари Тошкент воҳаси ҳудудидаги Қанқа (Шишкина 1979: 11), Шоштепа (Филанович 2010: 11), Юнусобод Оқтепаси (Нурулин 2021: 24–31), Мингўрик (Филанович 1983: 84), Фарғона водийсидаги Чилхужра (Хмельницкий 2000: 45) каби шаҳар ёдгорликларида ҳам учратилган. Ушбу бинодан кейинчалик, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Сомонийлар сулоласи бошқаруви, Қорахонийлар, Қорахитойлар шунингдек Хоразмшоҳлар сулоласи бошқаруви даврларида ҳам маҳаллий аҳоли ёки кўчиб келиб ўрнашган этник қатламлар томонидан фойдаланилиб келинган.

Археологик қазишмалар натижасида, бу ердан Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар ва Мўғуллар босқини даврига оид бой ашёлар, тангалар, сопол идишлар (сирланган ва сирланмаган лаганлар, косалар, хумлар ва ҳоказолар), камон ўқининг учлари, шиша иди-



4-расм. Суюрлитепадан топилган Чоч тудунлари тангаси (У. Исмоилов)
Рис. 4. Монета тудуна Чача, найденная в Суюрлитепе (У. Исмаилов)
Figure 4. Coin of Tudun Chach found in Suyurlitepe (U. Ismailov)

шлар, турли хил тақинчоқлар, суякдан қилинган тароқлар ва бошқа кўплаб тарихий буюмлар топилди.


Қазишма натижасида очилган ҳар бир хонада репер (бошланғич) нуқтадан 3 метр пастликда кул тўшалган пол сатҳи аниқланди.

Топилмалар тавсифи. Марказий хонанинг чекка қисмидан кул қатлами орасидан суякдан қилинган тароқ ва унинг шарқ томондаги пахса девор ёнидан сопол дастурхоннинг синиб кетган ярим қисми учратилди. Дастурхоннинг қолган қисми марказий хонанинг шимол қисмидаги девор ёнидан топилди. Дастурхоннинг диаметри 40 см ни ташкил қилади. Қўлда ясалган, тагида 3 та оёғи бор. Бундай сопол буюмлар асосан ўрта аср маданий қатламларида аниқланган (Нормуродов 2019: 141). Тадқиқотларга қарайдиган бўлсак, дастурхонлар Фарғона, Еттисув ва Тошкент ҳудудларида жойлашган VII–XII асрларга оид ёдгорликларда кўп топилган (Байпаков, Ерзакович 1990: 212; Толстой 1990: 119–128; Сагалаев, Октябрьская 1990: 209). Дастурхонларнинг келиб чиқиши Марказий Осиё ҳудудларига бориб тақалади. Археологлардан Л. Соколовская, Г. Богомолов, О. Папахристулар сопол хонтахталар хусусида ёзишган (Соколовская 1995: 38). Уларнинг ёзишича, шундай дастурхонлар милодий VII–VIII асрлар Суғд ёки Самарқанд ҳудудида кўплаб топилган. Улар кичик ҳажмли, қўпол ва қўлда ясалган. Кейинчалик VIII–IX асрлардан бошлаб сопол дастурхонлар кулолчилик чархида ясала бошланган. Вақтлар ўтиб дастурхонлар Еттисув ва Фарғона ҳудудларида ҳам кенг тарқалади. Унинг тарқалиши суғдийлар миграцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўрта асрларда суғдийларнинг бир қисми Шарқий Туркистон ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларига кўчиб ўтишди ва ўзлари билан бирга кулолчилик анъаналарини ҳам олиб боради. Натижада кулолликда симбиоз жараёнида содир бўлди (Отахўжаев 2010: 63). Ҳунармандлар асосан қўлда ясалган дастурхонларга ўз қўллари билан безаклар беришган. Суюрлитепадан топилган сопол дастурхоннинг ўзига хос томони шундаки, у қўлда ясалиб, орқа томонига ҳунарманд томонидан беш қиррали юлдузча тасвири туширилган. Беш қиррали юлдузча фанда пентограмма ёки пентакл, дейилади. Ислом дини бунга ўхшаш белгилар ва рамзлардан ҳоли дин ҳисобланади. Чунки, Ислом динида худонинг эквиваленти сифатида сиғиниш мумкин бўлган рамзлардан фойдаланиш тақиқланади.

Айримлар беш қиррали юлдузни мусулмончилик анъаналари, яъни Исломнинг 5 аркони билан боғлашади: иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж. Лекин мусулмончилик анъаналарида 5 қиррали юлдузча ярим ой белгиси билан доим ёнма-ён келади. Унда 5 қиррали юлдузчанинг якка ҳолда келиши нима билан боғлиқ бўлиши мумкин?

Айрим адабиётларга кўра пентаграмнинг нуқталари ер, олов, сув, ҳаво ва руҳни англатади ва кўп ҳолларда ҳимоя белгиси сифатида фойдаланилган.

Ўрта асрлардаги Сулаймон матнларида «Сулаймон муҳри» номи остида пентаграммага катта аҳамият берилган. Исроиллик тарихчи олим Гершом Сколем шундай деб ёзади: “Араб саҳросида «Сулаймон муҳри»дан кенг фойдаланилган, лекин дастлаб яҳудийлар томонидан камроқ фойдаланилган. Гектаграм ва пентаграм бир-бирининг ўрнида ҳам қўлланилиши оддий ҳолат ҳисобланган”. “Сулаймон матнлари”нинг лотинча шаклларида «пентакулум» сўзи



5-расм. Суюрлитепадан топилган шиша идишлар намунаси (У. Исмоилов)
Рис. 5. Образцы стеклянных сосудов, найденных в Суюрлитепе (У. Исмаилов)
Figure 5. Samples of glass vessels found in Suyurlitepa (U. Ismailov)

Сулаймон муҳри билан боғлиқ бўлган барча думалоқ белгиларга ишора қилиш учун ишлатилган, гарчи уларнинг аксариятида пентаграм бўлмаса ҳам “Сулаймон калити”, деб номланган яҳудийлар манбасида ҳам ўнлаб 5 қиррали юлдузчалар, пентакллар тасвирланган.



6-расм. Суюрлитепадан топилган хоч тасвирли тош (У. Исмоилов)
Рис. 6. Камень с изображением креста, найденный в Суюрлитепе (У. Исмаилов)
Figure 6. A stone with the image of a cross found in Suyurlitepe (U. Ismailov)

Пентаграм одатда инсон шакли билан боғлиқ. Бироқ, баъзида бу Исойи Масиҳнинг бешта яраси билан боғлиқ: унинг тешилган қўллари ва оёқлари, шунингдек, аскарнинг найзаси билан унинг биқинидаги тешилиш. Бу тушунча XVI асрда Валериано Балзани томонидан яратилган “Иероглиф” асарида ўз аксини топган. Яҳудий жамоалари 5 қиррали юлдузни Мусо пайғамбарга туширилган 5 китобдан иборат Инжилнинг биринчи 5 та китоби билан боғлашади.

Хоналардан пахса блокли платформани ўйиб очилган жами 9 та хўжалик ўралари аниқланди. Ўралардан биттаси тўғри тўртбурчак, қолганлари эса айлана шаклга эга. Улардан 20 тургаги шиша идишлар, хусусан, шиша лаганлар, вазалар, бокаллар ва табиблар томонидан гиёҳ солиш учун ишлатилганлиги талқин қилинаётган кичик, нозик кўринишга эга шиша идишлар топилди. Бундай турли-туман шиша идишларнинг топилиши бу ҳудудларда бир вақтлар шишасозлик юксак даражага этганлигининг исботидир (4-расм).

Тўғри тўртбурчак шаклидаги ўра марказий хонанинг шарқий томонидаги хўжалик хонасидан топилди. Унинг ичида камон ўқининг учи, сирланган сопол идиш бўлаклари, сир-



7-расм. Суюрлитепадан топилган сирланган идишлар (У. Исмоилов)
Рис. 7. Глазурованные сосуды, найденные в Суюрлитепе (У. Исмаилов)
Figure 7. Glazed vessels found in Suyurlitepa (U. Ismailov)

ланмаган нақшли идиш бўлаклари қайд этилди. Уларнинг ичида бир тош бўлаги аҳамиятга молик. Унинг бир томонига хоч белгиси, иккинчи томонига эса, 6 қиррали юлдузча тасвири ўйиб туширилган (6-расм).

Ҳозирда хоч христианлик динининг асосий рамзи ҳисобланади. Лекин бу белгининг келиб чиқиш тарихи, христианлик динидан анча олдинга бориб тақалади. Хоч тасвирини илк ўрта аср Чоч тангаларида ҳам кўп учратиш мумкин (Бабаяров 2013: 9–63). Туркий халқларда ҳам бу белги қабул қилинган бўлиб, у тақдир чамбарагини англатади.

6 қиррали юлдузчанинг ўйиб ишланган рамзи эса, Довуд юлдузи ҳисобланган 6 қиррали юлдуз билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу белги фанда гектограм, деб аталади. Бу белги бугунги кунда яҳудий халқларининг асосий диний рамзларидан бири ҳисобланади.

Ўралардан бирида ноёб лаганлар ҳам учратилди. Уларнинг сиртига оқ ранг берилиб, сирланган. Лаганлардан бирида араб алифбосининг куфий хатида العمر. البركة لصاحبه كل сўзлари ёзилган. Ёзувлар ўнг томондан ўқилганда ал’умру (умр), ал-баракату (барака), ли сооҳибиҳи (егаси учун, егасига) сўзлари маълум бўлди. Афсуски, лаган бутун ҳолатда емас. Қолиб кетган 1–2 сўзни аниқлашнинг имкони бўлмади. Бундай идишлар IX–X асрларда юртимизда ҳукм сурган сомонийлар сулоласи даврига оид бўлиб, бу жумлалар ушбу даврда лаганлар ичига тилаклар ёзиш анъанага айланганлигини кўрсатади. Лаганлардан яна биттасининг ички қисмида товус қушига ўхшаб кетадиган қуш тасвирланган бўлиб, у тумшуғида гул тутиб олган. Лекин Ислом дини кенг илдиз отган X–XII асрларда жонзотларнинг лаганда тасвирланиши ва бундай идишларнинг Тошкент воҳаси бўйлаб кенг тарқалиши тегишли даврда ушбу ҳудуддаги аҳолининг маънавий ҳаётида Ислом жуда чуқур илдиз отмаганидан дарак бермоқда. Бунга ўхшаш қуш ва унинг тумшуғидаги гул тасвири хазар туркларининг идишлари сиртида ҳам учратилган (Турк Дуняси… 1997). Иккала лаган ҳам сомонийлар даврининг нодир намуналаридан ҳисобланади (Ильясова и др. 2016: 378) (7-расм).

Араб сайёҳлари эсдаликларида Илоқ Мовароуннаҳр ҳудудидаги ўзига хос тоғ ва тоғолди ҳудудларига ҳамда текисликларга эга бўлган ўлка сифатида таърифланади. Жумладан, Ибн Хавқал “Китоб Сурат ал-ард” асарида “Фарғона, аш-Шош, Усрушана ва бутун Мовароуннаҳрда қалин ўсган дарахтлар, мўл-кўл мевалар, кетма-кет яйловлар шунчалик (кўп)

ки, унга ўхшаши бошқа бирорта мамлакатда йўқ”-дея эътироф этади (Ибн Хавқал 2011). Илоқ ҳудудида боғдорчилик қадимдан ривожланган соҳа бўлиб, унинг Буюк Ипак йўлида мева савдоси ва айирбошлаши ривожида катта хисса қўшган ўлка ҳисобланади.

Оҳангарон водийсининг ўрта асрлар даври боғдорчилигини ўрганишда археологик қазув ишларида қайд этилган хўжалик ўраларида сақланиб қолган узум (лот. Vitis vinifera), олма (лот. Mālus), олмурут (лот. Pyros communis), ўрик (лот. Prúnus armeníaca), қовун (лот. Cucumis melo), писта (лот. Pistácia), шафтоли (лот. persicus), наъматак (лот. Rōsa), гилос (лот. Prúnus ávium), жийда (лот. Elaeagnus) каби меваларнинг уруғлари археоботаник ашёвий манба вазифасини ўтаб беради.



Расм 8. Хўжалик ўраларида аниқланган мева уруғлари (У. Исмоилов)
Рис. 8. Семена плодов, найденные в бытовых ямах (У. Исмаилов)
Fig. 8. Fruit seeds found in household pits (U. Ismailov)

Узум – қадимги дунё боғдорчилигининг мумтоз меваларидан хисобланиб, унинг энг катта учта тури ҳозирда бутун дунёга тарқалган. Унинг ёввойи аждоди (Витис винифера ссп. сйлвестрис) хисобланади (This at all 2006: 511–519). Узум ўсимлиги Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, унинг ёввойи навлари Фарғона ва турклар мамлакати орасидаги тоғларда кўп учраши хусусида араб муаррихи Ибн Хавқал маълумот бериб ўтади (Ибн Хавқал 2011: 29). Суюрлитепа ёдгорлигидан аниқланган узум меваси уруғлари ҳам айнан узумнинг ёввойи турига ўхшаш (8-расм).

Суюрлитепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида аниқланган мева уруғлари, боғдорчилик пичоғи бу ҳудудда ўрта асрларда боғдорчилик юксак даражада ривожланганлигини кўрсатиб беради. Ёдгорлик ҳудудида олиб борилган қазишманинг жанубий-ғарбий қисмида қазиш ишлари вақтида маҳаллий тилда “боғбон пичоғи” (кўчатларга ишлов берувчи) деб аталувчи учи қайрилган ва тиғи ички тарафида бўлган пичоқ аниқланди. Пичоқнинг узунлиги 12 см, ени 1,2 см бўлиб, уч қисми бироз қайрилган. Дастага уланадиган қисми бироз қалинлашиб борган. Дастага киритиш қисми бурама шаклида ясалган бўлиб, дастага мустаҳкам ўрнашиб туриши мақсад қилинган. Ушбу пичоққа ўхшаш боғбонлик пичоғи Панжикент ва Ески Ховос ёдгорликларида ҳам аниқланган (Беленицкий и др. 1973: 74; Грицина 2005; Грицина и др. 2018: 55; Мамиров 2022: 381). Шу каби пичоқларнинг ёдгорлик ҳудудидан аниқланиши, ушбу ҳудудда қадимда ва ўрта асрларда боғдорчилик кенг ривожланганлигидан далолат бериб туради.

Суюрлитепадан топилган “боғбон пичоғи” яхши сақланган. Пичоқнинг уч қисми бироз қайрилганлиги ундан фойдаланишда итариш ёки босиш кучи эвазига кесиш амали бажарилмасдан, балки ўзига тортиш кучи билан бажарилади. Бу холатда мевали дарахтларга пайванд солиш, новда пўстини артиш ва мева пўстини артиш ишларида айнан шундай пичоқлардан фойдаланилган. Шу каби пичоқлар Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудларида кенг тарқалган (9-расм).

